

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

### ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

#### ЯККА ТАРТИБДАГИ ДАСТУР БЎЙИЧА

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 мартдаги 75-сон қарори билан Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўғрисидаги низом тасдиқланди. Дастур ногирон учун реабилитация қилишнинг мақбул чора-тадбирлари комплексида иборат бўлиб, улар ногирон организмнинг, шунингдек меҳнат фаолиятининг муайян турларини бажариш қобилиятининг бузилган ёки йўқолган функцияларини тиклашга, компенсация қилишга йўналтирилган тиббий, касб бўйича, ижтимоий ва бошқа реабилитация қилиш чора-тадбирларини амалга оширишнинг айрим турлари, шакллари, муддатлари ва тартибини ўз ичига олади.

#### БОЛАЛАР УЧУН СПОРТ БОШҚАРМАСИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 мартдаги «Болалар спортини ривожлантириш соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 76-сон қарори билан Халқ таълими вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси ташкил этилди.

#### АТБдан СУРХОНДАРЁ УЧУН ГРАНТ

2009 йил 20 мартда Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Сурхондарё вилоятининг сув таъминоти ва санитарияси» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 79-сон қарори қабул қилинди. ОТБнинг Директорлар кенгаши «Сурхондарё вилоятининг сув таъминоти ва санитарияси» лойиҳасини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасига Осиё тараққиёт банкнинг имтиёзли ресурсларидан эквивалентда 30,0 млн АҚШ доллари миқдоридан 19,36 млн суммада қарз олишнинг махсус ҳуқуқларидан саккиз йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган 32 йилда қайтариш муддати билан қарз, шунингдек 1,5 млн АҚШ доллари суммасида грант берилишини маъқуллади. Қўрсатиб ўтилган лойиҳани амалга оширишга Ўзбекистоннинг улуши эквивалентда 8,5 млн АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳа 2009–2014 йиллар даврида амалга оширилиши керак. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланиши, уни молиялаштириш режаси ва лойиҳа бўйича АТБнинг қарзини қайтариш ва фойзалар тўлаш жадвали тасдиқланди.

#### ХАЙРЛИ ЛОЙИҲАЛАРГА ГРАНТ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 мартдаги «Тараққиёт йўлида озик-овқатлар билан таъминлаш» дастури доирасида қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида» 85-сон қарори билан Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати томонидан Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бериш тўғрисидаги битим бўйича «Тараққиёт йўлида озик-овқатлар билан таъминлаш» дастурининг грант маблағлари ҳисобига қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Чунончи, гўзани турлараро ва узоқ гибридарга қайта чатиштириш усули билан унинг вилтга чидамли серҳосил

навларини яратиш режалаштирилган. Соғлиқни сақлаш тизимидаги лойиҳалар орасида эса Ўзбекистон Республикасида шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш назарда тутилган.

#### «НОТАРИАТ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА МУВОФИҚ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 мартдаги 86-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатидаги ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 147-сон қарорига уни «Нотариат тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирувчи ўзгартишлар киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Чунончи, «Давлат нотариусининг ўринбосари» ва «Консультант» сўзлари тегишли равишда «Катта давлат нотариусининг ўринбосари» ва «Давлат нотариусининг ёрдамчиси» сўзлари билан алмаштирилди.

#### МАРКАЛАШНИНГ ЯНГИ ШАРТЛАРИ

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг қўшма қарори (АВ томонидан 2009 йил 20 мартда 589-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Акциз маркалари буюртма қилинаётган акциз маркаларининг тўлиқ номинал қиймати ва акциз солиғининг тўлиқ суммаси тўланганлиги ҳақида буюртманомادا тегишли давлат органларининг белгиси мавжуд бўлган тақдирда «Пахтабанк»нинг минтақавий бўлимлари томонидан берилди.

Муайян жойларда акциз маркаларини целлофанли ўрвининг устига жойлаштиришга фақат акциз маркаларига «MAXSUS» (илгари – MUSODARA QILINGAN) ёзуви ёзилган мусодара қилинган тамаки маҳсулотлари учун белгиланган. Акцизли товарларни ишлаб чиқарувчи корхона томонидан фойдаланилмаган акциз маркалари эндиликда нафақат ўзининг фаолияти тўхтатилган, банкрот бўлган ҳолларда, балки унинг амал қилиши тўхтатиб турилган ёки тугатилган ёхуд тегишли маҳсулотни ишлаб чиқаришга лицензиянинг амал қилиши бекор қилинган ҳолларда ҳам қайтарилиши мумкин. Ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган акцизли товарларнинг турига қараб акциз маркаларининг классификация жадвали янги таҳрирда баён этилган. Ҳужжатга бошқа ўзгартишлар ҳам киритилган.

2009 йил 30 мартдан кучга кирди.

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 20 мартда 1320-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Алкоғолли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Белгиланишича, инвентаризация қилиш пайтида

сарф ташкилотларида бўлган, амал қилиш муддати ўтиб кетган акциз маркалари билан маркаланган алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари қонунга мувофиқ олиб қўйилиши керак. Тегишинча, бундай қолдиқлардан эски маркаларни олиб ташлаш ёки уларнинг устидан янги маркалар ёпиштириш йўли билан товарларни қайтадан маркаланиши керак деган қоида чиқариб ташланди.

2009 йил 30 мартдан кучга кирди.

#### ПАТЕНТ ОЛИШ ҚОИДАЛАРИ ЎЗГАРДИ

Давлат патент идораси директорининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 25 мартда 1343-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Фойдали моделга Ўзбекистон Республикасининг патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва қўриб чиқиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Патент бериш учун аризонинг шакли янги таҳрирда келтирилган. Аризонинг тегишли устунларини тўлдириш қоидаларига ҳам ўзгартишлар киритилди.

2009 йил 30 мартдан кучга кирди.

#### НАФАҚАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ДОИР

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 27 мартда 1927-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Низомга мувофиқ, уларни тўлаш бўйича харажатлар 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси орқали республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Нафақаларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар уларни тўлаш бўйича харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳар ойда тўлов ойининг 10-санасидан кечикмаган ҳолда Жамғармага нафақаларни тўлаш учун талаб қилинадиган маблағларни ҳар бир ҳудуд (туман, шаҳар) бўйича ногиронларнинг миқдорини кўрсатган ҳолда тақдим қилади.

Жамғарма ҳужжатларни қўриб чиқиш натижалари бўйича ҳар тўлов ойининг бошида нафақаларни олиш учун тайинлаш сертификати тайёрлайди ва уни қўрсатилган харажатларни молиялаштириш учун режали бюджет ажратмаларининг мавжудлиги бўйича келишиш учун Молия вазирлигининг Ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш бош бошқармасига тақдим қилади. Келишилган сертификат молиялаштиришни амалга ошириш учун Молия вазирлигининг Давлат бюджети бош бошқармасига тақдим қилинади. Фазна ҳисобварағига маблағлар ўтказиб берилгандан кейин нафақа тўлаш учун харажатларнинг ёйилмаси Фазначиликка тақдим қилинади. Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 19 мартдан 27 мартгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 13-сонидан асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин қилинадиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ҳар ойда нафақаларни тўлаш учун тўлов қайдномаларини тайёрлайди ва улар асосида фазначилик бўлимларига тўлов топшириқномалари тайёрланади.

2009 йил 6 апрелдан кучга киради.

#### АДВОКАТ СТАЖЁРИ ВА ЁРДАМЧИСИ БЎЛИШ УЧУН...

Адлия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 27 мартда 1928-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Стажёр томонидан адвокат мақомига эга бўлишга тайёрланиш ва унинг касбий билимларини ҳамда кўникмаларини ҳосил қилиш стажировканинг асосий вазифаларидир. У адвокатлик тузилмаси (адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати, юридик маслаҳатхона)да ўталади.

Олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси стажёр бўлиши мумкин, белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлик олиб ташланмаган шахс эса стажёр бўла олмайди. Стажёрнинг фаолият кўрсатишига раҳбарлик қиладиган адвокат (стажировка раҳбари) камида уч йиллик иш стажига эга бўлиши керак. Стажировка камида олти ой давом этиши мумкин. Стажировканинг энг кўп муддати икки йилдир.

2009 йил 6 апрелдан кучга киради.

Адлия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 27 мартда 1929-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Олий ёки ўрта юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ёрдамчи бўлиши мумкин. Унинг меҳнат шароитлари меҳнат шартномаси (контракти) билан белгиланади. Айни бир шахс бир вақтнинг ўзида битта адвокатлик тузилмасида адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган бир неча мутасадди-адвокатларнинг ёрдамчиси бўлиши мумкин. Ёрдамчи мутасадди-адвокатнинг топшириғига биноан ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ёки уларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этади, сўровлар, илтимосномалар, аризалар ва бошқа ҳужжатларнинг тайёрланишида иштирок этади, суриштирув, дастлабки тергов органларига, судларга ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотларига бериш учун материаллар тайёрлайди; мутасадди-адвокат томонидан адвокатлик фаолиятининг амалга оширилиши билан боғлиқ бошқа топшириқларни бажаради. Ёрдамчи сифатидаги иш стажидан адвокат мақомига эга бўлиш учун зарур бўлган юридик мутахассислик бўйича иш стажига қўшилади.

2009 йил 6 апрелдан кучга киради.

<p>УШБУ СОҒДА</p>	1-бет	2-3-бетлар	4-бет	5-8-бетлар
	<p>Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳлар</p>	<p>Ҳўжалик ҳуқуқи</p>	<p>Ғарбда газетанинг 90 фоизи - обунада</p>	<p>Янги қонун ҳужжатлари</p>
	\$1 = 1432,00 сўм	€1 = 2012,68	£1 = 2201,27 сўм	¥10 = 146,80 сўм

www.interpress.uz

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ОБУНА-2009 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дний • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир • Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги • Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отодохни! • Совершенно секретно

119-0000  
155-0955

Тел./факс: (99897)

Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# ТАЛАБДАН БОШҚА ШАХС

**Цессия шартномаси кенг қўлланиладиган молиявий дастаклардан биридир. Бироқ унинг барча жиҳатларига амал қилинмаса, бу кўплаб ҳуқуқбузарликларни юзага келтириши, оқибатда тузилган битим ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин. Ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиётганда қонун билан ихтилофга бормаслик учун нималарни ҳисобга олиш зарур?**

## ҚАРЗЛАРИНГ БОРМИ? – БОШҚАГА ТОПШИР

Фуқаролик кодекси (бундан кейин – ФК) 313-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ мажбурият асосида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) унинг томонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ёки қонун асосида бошқа шахсга ўтиши мумкин<sup>1</sup>. Шартномада шахсларнинг сўзсиз алмаштирилиши назарда тутилган<sup>2</sup>.

Одатда дастлабки кредиторнинг ҳуқуқи янги кредиторга унинг ўтиш пайтида мавжуд бўлган ҳажмда ва шартлар асосида ўтади. Хусусан, янги кредиторга нафақат мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган ҳуқуқлар, балки ҳуқуқни талаб қилиш билан боғлиқ ҳуқуқлар, шу жумладан тўланмаган фоизларга ҳуқуқ ҳам ўтади (ФКнинг 315-моддаси).

Талаб қилиш ҳуқуқини берадиган кредитор цедент, ҳуқуқ унга бериладиган шахс эса цессионарий деб номланади. Талаб қилиш ҳуқуқи цессионарийга тўлиқ ҳажмда, яъни қарздор мажбуриятлари миқдоридан ўтади. Шу сабабли цедент (дастлабки кредитор) цессионарийга (янги кредиторга) талаб қилиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган барча ҳужжатларни бериши ва уни амалга ошириш учун аҳамиятга эга бўлган барча маълумотларни маълум қилиши керак. Цедент шунингдек қарздорга талаб қилиш ҳуқуқи берилганлигидан гувоҳлик берувчи барча ҳужжатларни: олди-сотди шартномалари, солиштирма далолатномаларнинг нусхалари, ҳисобварақ-фактуралар, юкхатларни бериши шарт (ФКнинг 316-моддаси). Қарздорга талабнинг янги шахсга ўтиши далиллари тақдим этилишига қадар у янги кредиторга мажбуриятни бажармасликка ҳақлидир.

Чунончи, шартномадан, масалан, товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш шартномасидан келиб чиқадиган дебиторлик қарзини бериш икки операцияни ўз ичига олади:

– цедентда унга юклар жўнатилган товарлар (унинг учун бажарилган ишлар, унга кўрсатилган хизматлар) учун харидор (буюртмачи)нинг

дебиторлик қарзи узилади;

– цедент цессионарийга ушбу қарзни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечган дастлабки кредитор янги кредитор олдида унга ўтказилган талабнинг ҳақиқий эмаслиги учун жавоб беради, бироқ қарздор бу талабни бажармаганлиги учун жавоб бермайди (ФКнинг 321-моддаси). Дастлабки кредитор янги кредитор олдида қарздор ўз зиммасига кафолатни олган ҳоллар бундан мустасно. Қарздор мажбурият бўйича ҳуқуқлар янги кредиторга ўтганлиги ҳақида огоҳлантириш олган пайтида дастлабки кредиторга қарши эътирозларини янги кредиторнинг талабига қарши қўйишга ҳақли (ФКнинг 317-моддаси).

Мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришдан ташқари фуқаролик қонун ҳужжатлари қарздорнинг ўз қарзини бошқа шахсга ўтказиши ҳуқуқини ҳам назарда тутди, унга фақат кредиторнинг розилиги билан йўл қўйилади (ФКнинг 322-моддаси). Янги қарздор кредиторнинг талабига қарши кредитор билан дастлабки қарздор ўртасидаги муносабатларга асосланган барча эътирозларни илгари суришга ҳақлидир. Агар кафил ёки гаровга қўювчи янги қарздор учун жавоб беришга рози эканлигини билдиришмаса, кафиллик ёки учинчи шахс томонидан белгиланган гаров қарз ўтказилиши билан тўхтатилади.

Бундан ташқари, қарз ва ижро ни параллель ўтказишга – қарзни ёки унинг бир қисмини қарздорни қарзни тўлаш мажбуриятдан озод қилмаган ҳолда ўтказишга рухсат берилди (ФКнинг 323-моддаси). Бу ҳолда қарз иккала қарздор мажбуриятнинг бажарилиши учун солидар жавобгар бўлади. Қарздорнинг учинчи шахс билан шартномаси асосида учинчи шахс мажбуриятнинг бажарилиши бўйича кредитор олдида эмас, балки фақат қарздор олдида бурчли бўлади.

ФК 355-моддаси учинчи қисмининг маъносидан келиб чиқилганда, агар қонун ҳужжатларидан, цессиянинг мазмуни ёки моҳиятидан бошқача ҳол аниқланмаса, цессия

шартномаси ҳақ эвазига тузилган шартнома ҳисобланади.

## ШАРТНОМАНИ ТУЗИШ ШАКЛИ

Шуни ёдда тутиш лозимки, ФКнинг 320-моддасига кўра, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шакли у асосланган битим шаклидан келиб чиқади. Яъни оддий ёзма ёки нотариал шаклда тузилган битимга асосланган талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ёзма шаклга мувофиқликда амалга оширилиши керак. Агар талаб давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлса, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳам қонун билан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномасида қандай талаб берилаётганлиги ва у қандай мажбуриятга асосланганлиги аниқ кўрсатилиши керак. Ўтаётган талабларнинг ҳажмини белгилаб ва улар келиб чиқадиган мажбуриятни кўрсатиб, битим иштирокчилари унинг предметини таърифлашлари шарт, мазкур предмет ҳар қандай шартноманинг белгилувчи негизидир. Бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномаси предмети унинг муҳим шартларидан биридир. Шу сабабли тарафлар – дастлабки ва янги кредитор асосий мажбуриятга боғланган ҳолда ҳуқуқни бериш предметини аниқ-равшан белгилашлари шарт. Агар воз кечилган ҳуқуқни юзага келтирадиган аниқ мажбуриятга ҳавола мавжуд бўлмаса, бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномаси тузилмаган деб топилиши керак<sup>3</sup>.

Агар бундай шартноманинг маъносидан келиб чиқиб, суд тарафларнинг ҳақиқий хоҳиши ҳақ эвазига хизматлар кўрсатишга йўналтирилган деб билса, бундай битим ФК 124-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ бошқа битимни ниқоблаш мақсадида тузилган кўзбўямачилик битими деб топилади. Бу ҳолда суд ҳақиқатда тарафлар назарда тутган битимнинг қоидаларини қўллайдди. Агар асосий битим тузилмаган (ёки арзимаган) деб топилса, унга асосланган талаблардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳам, ФКнинг

313-моддаси талабларига мувофиқ келмайдиган талаб сифатида ҳақиқий эмас (арзимаган) ҳисобланади<sup>4</sup>.

## ЗАРУР ШАРТЛАР ВА БАЪЗИ ЧЕКЛАШЛАР

Фуқаролик кодексида талаб қилиш ҳуқуқидан амалда бошқа шахс фойдасига воз кечишнинг қуйидаги шартлари назарда тутилган (ФКнинг 319-моддаси):

– кредиторнинг ўз талабидан бошқа шахс фойдасига воз кечишига, башарти у қонунларга ёки шартномага зид бўлмаса, йўл қўйилади;

– кредиторнинг шахси қарздор учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мажбурият бўйича талабдан қарздорнинг розилигисиз бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

Шунингдек кредиторнинг шахси билан чамбарчас боғланган ҳуқуқларнинг, хусусан алиментлар тўғрисидаги ва ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги талабларнинг бошқа шахсга ўтишига йўл қўйилмайди (ФКнинг 314-моддаси).

Умумий қоидага кўра айнан ким мажбуриятни бажариши қарздорга фарқсиз бўлиши керак. Шу боис талаб қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши учун унинг розилиги талаб қилинмайди, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса (ФК 313-моддасининг иккинчи қисми). Кўпинча тадбиркорлик фаолияти иштирокчиларининг шартномалари мажбурият субъектини бошқа тарафнинг олдиндан ёзма розилигисиз алмаштириб бўлмастлигини назарда тутди. Ҳар қандай ҳолда қарздорни ёзма равишда хабардор қилиш лозим, акс ҳолда у дастлабки кредиторга нисбатан талабни бажаришга ҳақли бўлади (ФК 313-моддасининг учинчи қисми).

<sup>1</sup> ФКнинг 318-моддасига мувофиқ кредиторнинг мажбурият бўйича ҳуқуқлари бошқа шахсга қонун асосида қуйидаги ҳолларда ўтади:

1) кредитор ҳуқуқларидаги универсал ҳуқуқий ворислик натижасида;

2) кредитор ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги суднинг қарорига мувофиқ;

3) қарздорнинг мажбурияти ушбу мажбурият бўйича қарздор бўлмаган кафил ёки гаровга қўювчи томонидан бажарилиши оқибатида;

4) суғурта ҳолати бошланиши учун жавобгар бўлган қарздорга нисбатан кредитор ҳуқуқларининг суғурта қилувчига суброгацияси (ўтиши) натижасида;

5) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

<sup>2</sup> Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2003 йил 28 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳуқуқи билан боғлиқ нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 110-сон қарорининг (бундан кейин – қарор) биринчи банди.

<sup>3</sup> Қарорнинг 4-банди.

<sup>4</sup> Қарорнинг 6-банди.

<sup>5</sup> Қарорнинг 10-банди.

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 31 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	982,64	1 Малайзия рингити	394,06
1 Англия фунт стерлинги	2201,27	1 Польша злотийси	405,85
1 Дания кронаси	254,83	1 СДР	2141,67
1 БАА дирҳами	389,90	1 Туркия лираси	849,85
1 АҚШ доллари	1432,00	1 Швейцария франки	1249,02
1 Миср фунти	254,71	1 ЕВРО	2012,68
1 Исландия кронаси	11,79	10 Жанубий Корея вони	10,39
1 Канада доллари	1151,87	10 Япония иенаси	146,80
1 Хитой юани	209,52	1 Россия рубли	42,86
		1 Украина гривнаси	185,97

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## ИДХ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	2.04.2009	1	0,8029	1	1,0658	1	0,0237
Арманистон	2.04.2009	1	370,58	1	491,98	1	10,99
Беларусь	3.04.2009	1	2824,00	1	3749,14	1	83,64
Грузия	2.04.2009	1	1,6701	1	2,2045	1	4,9199
Қозоғистон	3.04.2009	1	150,98	1	200,41	1	4,47
Қирғизистон	28.03.2009	1	42,6295	1	57,7886	1	1,2758
Латвия	3.04.2009	1	0,53	1	0,702804	1	0,0156
Литва	3.04.2009	1	2,5999	1	3,4528	10	7,6988
Молдова	2.04.2009	1	10,9761	1	14,5317	1	0,3236
Тожикистон	2.04.2009	1	3,8162	1	5,1002	10	1,1523
Ўзбекистон	31.03.2009	1	1432,00	1	2012,68	1	42,86
Украина	2.04.2009	100	770,00	100	1019,942	10	2,2683
Эстония	2.04.2009	1	11,783	1	15,6466	1	0,349053

Манба: www.prime-tass.ru

**УШБУ СОНДА:**

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР** – Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-бет**
- **Хўжалик ҳуқуқи** – Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш – Валюталар курси **2-3-бетлар**
- **АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР** – INTER-PRESS GROUP: ўсиш истиқболлари. Ҳалол рақобат. Сифат стандарти **4-бет**

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:**

- «Агробанк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида;
- «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори:**

– Вазирлар Маҳкамасининг «Товархон ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 31 майдаги 251-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида».

**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 28 февралдан 14 мартгача бўлган маълумот.**

**Идоравий-меъёрий ҳужжат:**

– Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг «Тошкент шаҳридаги давлат ва коммунал мулкка тегишли нотурав жой биноларига қўлланиладиган ижара ҳақининг энг кам миқдордаги таянч ставкалари ҳақида»ги қарори.

**5-8-бетлар**

• top **9-12-бетлар**

# ФОЙДАСИГА ВОЗ КЕЧИШ

(1992 йил 9 декабрдаги 736-ХII-сон, янги таҳрири) 17-моддасига кўра гаровга олувчи шунингдек уларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда гаров тўғрисидаги шартнома бўйича ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказишга ҳақли. Ушбу воз кечиш, агар гаров билан таъминланган асосий мажбурият бўйича қарздордан талаб қилиш ҳуқуқидан ҳам ўша шахс фойдасига воз кечилган бўлса, ҳақиқий бўлади.

Шунингдек қонунда талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечишга қўйидаги чекловлар белгиланган<sup>5</sup>:

– доимий рента шартномаси бўйича уни олувчи томонидан: бундай ҳуқуқларга нисбатан улардан фақат фуқаролар ва нотижорат ташкилотлари фойдасига воз кечишга йўл қўйилади (ФКнинг 518-моддаси);

– прокат (ижара) шартномаси бўйича ижарага олувчига ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказишга йўл қўйилмайди (ФК 563-моддасининг иккинчи қисми);

– корхона ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчининг шуғулланиш учун лицензия талаб қилинадиган ҳуқуқларини беришга йўл қўйилмайди (ФК 579-моддасининг бешинчи қисми);

– кафолат мажбурияти бўйича бенефициарга тегишли бўлган кафолат талаб қилиш ҳуқуқи фақат фуқуллодда ҳолдагина, агар кафолатнинг ўзида бу нарса назарда тутилган бўлса, ўтказилиши мумкин (ФКнинг 303-моддаси).

## КРЕДИТНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИДАН БОШҚА ШАХС ФОЙДАСИГА ВОЗ КЕЧИШ

**Банк жисмоний ёки юридик шахсга кредит берди. Банк мижози уни олишга бўлган ўз ҳуқуқидан учинчи шахс фойдасига воз кечиши мумкинми?**

**Агар шундай бўлса, бундай битимга банк рухсатини олиш лозимми?**

– Кредит шартномаси бўйича бир тараф – банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 744-мод-

даси).

Кредит беришни талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш хусусида ҳуқуқ фанида турлича – бундай воз кечишни тўлиқ тақиқлашдан қарз олувчи ўзига тегишли бўлган ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечиши мумкинлигига қадар фикрлар айтилмоқда. Уларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш мазкур ҳолда битим ҳисобланиб, бунда мажбурият бўйича дастлабки кредитор – банк мижози қарздорга (банкка) нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқини<sup>6</sup> учинчи шахсга – мажбурият бўйича янги кредиторга ўтказилади.

Юқорида айтилганидек, **кредиторнинг шахси билан чамбарчас боғланган ҳуқуқларни ўтказиб бўлмайди (ФКнинг 314-моддаси).** Сўз муайян **жисмоний шахсда** вужудга келган, фақат у амалга ошира оладиган, унинг йўқолиши эса ушбу ҳуқуқларнинг сўнишига олиб келадиган ҳуқуқлар тўғрисида боряпти. ФКда фақат мажбурият кредиторнинг шахси билан чамбарчас боғланган асосий ҳоллар – алимент мажбуриятлари ва ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни тўлаш бўйича мажбуриятларгина саналган, бироқ уларга фуқароларнинг шахсий ҳуқуқий муносабатлари билан боғланган бошқа юридик далиллар ва ҳолатлар ҳам киради. Кредит шартномаси бўйича ҳуқуқий муносабатлардан вужудга келган юридик оқибатлар эса ҳолатларнинг бошқа тоифасига киради. Шу сабабли ушбу асосни кўриб чиқилган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги цессияни чеклаш учун қўллаб бўлмайди.

Фуқаролик кодекси талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечишнинг муайян шартларини назарда туттади (ФКнинг 319-моддаси):

**1) кредиторнинг ўз талабидан бошқа шахс фойдасига воз кечишига, башарти у қонунларга ёки шартномага зид бўлмаса, йўл қўйилади.** Амалдаги қонун ҳужжатлари кредитни талаб қилиш ҳуқуқларидан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлайдиган меъёрларни назарда тутмайди. Агар шартномада ҳуқуқларни учинчи шахсларга ўтказишни тақиқлаш очикдан-очик кўрсатилган бўлмаса ва бошқа шахс фойдасига воз кечишга олдиндан розилик олиниши тўғрисида шарт мавжуд бўлмаса – у қонуний ҳисоб-

ланади;

**2) кредиторнинг шахси қарздор учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мажбурият бўйича талабдан қарздорнинг розилигисиз бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.**

Бу меъёр кўп низоларга сабаб бўлади. Биринчидан, фуқаролик қонун ҳужжатлари қарздор учун «муҳимлик» мезонини белгилamayди. Иккинчидан, агар «кредиторнинг шахси билан чамбарчас боғланган ҳуқуқлар» жумласи фақат жисмоний шахс билан боғлиқликни аниқ белгилаш имконини берса, мазкур банддаги «кредиторнинг шахси» бу фақат жисмоний шахсларга тегишлилиги ёки юридик шахсларга ҳам қарашлилиги хусусида бир мазмунда жавоб бериш имконини бермайди. Чунончи, биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномада ва ҳамкорнинг аниқ сифатлари ёки субъектлар ўртасидаги бошқа ишончли муносабатлар билан танлов амалга ошириладиган бошқа муносабатларда тарафлар мажбуриятларни бажаришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек ссуда шартномасини тузиш пайтида одатда ссуда берувчи учун ссуда олувчи билан муносабатлар муҳим ўрин туттади, айти улар мол-мулкни муайян шахсга текинга фойдаланиш учун бериш тўғрисида қарор қабул қилишда муҳим роль ўйнайди.

Шубҳасиз, кредит бериш мажбурияти тўловга қобилияти, ишончилиги ва амалий истиқболи қарз бериш масаласини ҳал қилаётганда ғоятда муҳим аҳамият касб этадиган муайян юридик шахсга нисбатан қабул қилинади. Бироқ бу мижоз-кредитори билан жиддий алоқаи кредитни талаб қилиш ҳуқуқидан учинчи шахс фойдасига воз кечишга банк рухсатини олиш зарурати таъсир қилиб, низоли бўлиб турган қарздор-банкка<sup>6</sup> таллуқлими?

Агар кредит шартномасида воз кечиш бўйича чекловлар назарда тутилмаган ва банк бунга рози бўлса, мажбуриятда шахсларнинг бундай ўзгариши қонунийдир. Бироқ агар банк бундай цессияга қарши эътироз билдирса, шартномада эса чекловлар мавжуд бўлмаса, тинч йўл билан қарор қабул қилинмаган тақдирда қарздор учун кредиторнинг шахси аҳамиятининг муҳимлиги масаласини суд ўз хоҳиши бўйича ҳал қилади, зеро қонун ҳужжатларида



ушбу масала аниқ тартибга солилмаган.

Бироқ шуни ҳам эътиборда тутиш лозимки, ФК 746-моддасининг биринчи қисмига кўра кредитор қарз олувчини тўловга қобилиятсиз деб ҳисобласа, қарз олувчи кредитни таъминлаш мажбуриятларини бажармаса, шартномада назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузса, шунингдек шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли. Ушбу меъёр мажбуриятда шахслар алмаштирилган тақдирда ҳам татбиқ этилади, яъни банк юқорида саналган асослар бўйича кредит беришдан бош тортишга ҳақли.

## КРЕДИТ ВА УНГА ФОИЗЛАРНИ ҚАЙТАРИШНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИДАН БОШҚА ШАХС ФОЙДАСИГА ВОЗ КЕЧИШ

**Кредит бериш мажбуриятини бажариб, банк кредитдан фойдаланганлик учун тўлов сифатида ҳисоблаб ёзилган йиллик фоизларни ҳисобга олган ҳолда берилган пул маблағлари суммасини қайтариб олишни ўйлайди. Бироқ муайян ҳолатлар юз берганида банк қарз қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа ҳуқуқ субъектлари фойдасига воз кечиш заруратига дуч келиши мумкин. У кредит ва унга доир фоизларни талаб қилиш ҳуқуқини учинчи шахсга ўткази оладими? Бундай воз кечиш амалга ошириладиган шахслар доираси чекланганми?**

– ФКнинг 319-моддасига кўра кредиторнинг ўз талабидан бошқа

шахс фойдасига воз кечишига, башарти у қонунларга ёки шартномага зид бўлмаса, йўл қўйилади. Кредит бериш банк фаолиятига<sup>7</sup> ва кредит уюшмалари фаолиятига<sup>8</sup> тааллуқли, улар Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига (Олий Мажлиснинг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон қарорига 1-илова) киради. Кредит қайтариш, тўлаш ва муддатлилик шартларида берилади. Яъни кредитлар берилишини тартибга солишнинг ҳуқуқий режими уни қайтаришга ҳам, умуман унга доир фоизларни тўлашга ҳам татбиқ этилади. Бошқача айтганда, банк кредит қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқидан учинчи шахс фойдасига воз кечишга ҳақли эмас, чунки кредитни ва унга доир фоизларни қайтариб олиш лицензияланадиган фаолият турларига киради. Шу тариқа, воз кечиш амалга оширилиши мумкин бўлган шахслар доираси чекланган.

Бундан ташқари, «Банк сири тўғрисида»ги Қонуннинг (2003 йил 30 августдаги 530-II-сон) 3-моддасига кўра мижозга банк хизматлари кўрсатилиши муносабати билан олинган банк мижози тўғрисидаги маълумотлар банк сирига киради. Кредит ва унга доир фоизларни қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эса шубҳасиз уларни (банкнинг мижози кимлиги, кредит қанча миқдорда, қандай мақсадларда берилганлигини) ошкор этишга олиб келади.

Бироқ ушбу Қонуннинг 14-моддасига кўра бундай маълумотлар банклар ўртасида муомалада бўлиши мумкин ва бу банк сирини ошкор этиш ҳисобланмайди. Шу боис банк кредит ва унга доир фоизлар қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқидан фақат бошқа банк фойдасига воз кечиши мумкин. Моҳиятига кўра, бундай битим шартлари ФКнинг 42-боби билан тартибга солинадиган, пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасига тааллуқлидир. Бу ҳолда ФКнинг 753-моддасига мувофиқ мижоз билан унинг қарздори ўртасида талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлаш ёки чеклаш ҳақида келишув бўлган тақдирда ҳам, пул талабномасидан молия агенти фойдасига воз кечиш ҳақиқий ҳисобланади. Бироқ талаб қилиш ҳуқуқи учинчи шахсга ҳақ олмасдан ўтказилган тақдирда цессия шартномасини тузиш ҳам мумкин.

**Мария ТУХТАРОВА,**  
**«Норма» МЧЖ юристи.**

• РЕКЛАМА

Хизматлар лицензияланган

**STS LOGISTICS**  
SOLUTIONS TO SATISFACTION

**МДХ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда**

**30 дан зиёд офис ва 300 агент**

- транспортнинг барча турларида юк ташиш
- юкларни “эшикдан эшиккача” етказиб бериш
- импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви

Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stsllogistics.net, www.stsllogistics.net

**«INTER-PRESS GROUP» КОМПАНИЯЛАР ГУРУҲИ ЮРИДИК ШАХСЛАРГА ТОШКЕНТ ВА ВИЛОЯТЛАР БЎЙЛАБ ДАВРИЙ МАТБУОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШГА ДОИР «КОРПОРАТИВ ОБУНА» ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА.**

**«КОРПОРАТИВ ОБУНА» даврий босма нашрларнинг гоятда кенг ассортименти ва рақобатбардош нархлар бўйича энг юқори даражадаги сервисни тақдим этаи. Махсус менежер сизни қизиқтирувчи мавзуларга доир нашрларни танлашда ёрдам беради, шартномани расмийлаштиради ва барча долзарб масалаларни ҳал қилади. Обуна бўлинган нашр чоп этилган, «INTER-POST»нинг курьерлик хизмати уни кўрсатилган манзилга энг қисқа муддатларда ва қулай вақтда етказиб беришни таъминлайди. Обунанинг янги шакли «INTER-PRESS GROUP» компаниялар гуруҳининг истеъмолчиларга ёндашувини белгилайдиган уч омил – мижозлар манфаати йўлида ишлаш, қулайлик, тезкорликка асосланади.**



«INTER-PRESS GROUP»нинг тўғри режалаштирилган тактикаси обуначилар билан мақбул алоқалар ва амалий муносабатларни ўрнатиш имконини берди, улар гуруҳнинг доимий мижозларига айланмоқдалар. Ишда сифат ва сервисга катта эътибор берилиши туфайли «INTER-PRESS» обуна агентлиги даврий нашрларни тарқатиш бозорида ўзининг муносиб ўрнини топа олди. Ундан мустаҳкам ўрин олишда профессионаллар жамоаси – «INTER-PRESS GROUP» компаниялар гуруҳи директори Ш.Ш.Илёсов, «INTER-POST» курьерлик хизмати директори Т.Н.Гиниятуллин, кадрлар бўлими раҳбари С.Н.Моторин, сотувлар бўлими раҳбари И.Р.Курьяев ва етказиб бериш бўлими раҳбари А.Г.Тяниннинг хизмати каттадир. Уларнинг кўпи бу соҳада кўпдан буён ишлайди. Уларнинг ўз ишларини яхши билишлари компанияларни ривожлантиришда, мижозлар базасининг ўсишига, сотувлар ҳажмининг кўпайишига ва сервис хизмати кўрсатилиши сифатининг ошишига имкон яратмоқда.

Яхши таркибланган «INTER-PRESS GROUP» бугунги кунда Ўзбекистон обуна нашрларини тарқатиш бозоридан каталога киритиш ва обуна кампанияларини ўтказиш билан биргаликда даврий нашрлар экспедицияси ва уларни тарқатиш бўйича хизматларнинг тўлиқ мажмуини тақдим эта оладиган барқарор холдинг компанияси сифатидаги мавқега эга. Олти йиллик фаолияти мобайнида у ўз мижози учун курашнинг малакали ва маърифатли усуллари билан эгаллади. Иш жараёнида бўлғуси обуначиларнинг ҳаёти учун бундай нашрга эга бўлишнинг фойдалилиги, нуфузлилиги ва зарурлиги тўғрисида ишонтириш билангина чекланмайдилар. Бу ерда истеъмолчиларнинг турли тоифаларидан келиб чиқадиган, нашрларни олиш, таъминлаш ва етказиб бериш тизимида компания барча хизматлари ишига татбиқ этилган янада чуқур ва жиддий обуна қилиш маданияти мавжуд.

Обуна бозори бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг муҳим жиҳатларига дахл қиляпти. «INTER-PRESS GROUP» компаниялар гуруҳининг директор ўринбосари Юлий Акремович КЛЕБЛЕЕВ билан суҳбатимиз айтиш мавзуга бағишланди.

**– Юлий Акремович, маданият ва маърифатнинг бир кўриниши бўлган обуна сизнингча, истиқболда қучайиши мумкинми? Зеро бугунги кунда даврий нашрларга обуна бўлувчилар фоизи унчалик юқори эмас.**

– Бугунги кунда обунага кам деганда уч омил таъсир кўрсатаяпти дейиш мумкин. Биринчидан, фўрал ёшдаги кишилар – 30 ёшдаги ва ундан ошганлар амалда обуна уларга қандай афзалликлар бериши мумкинлигини билишмайди. Ҳозирда аввалдан ахборотга эҳтиёжи баланд бўлган кишиларгина ўзлари почтага ёки муқобил агентликларга бориб обуна бўлишяпти. Ўйлашимча, обуначилар миқдорининг ҳақиқатда ўсишини таъминлаш ва обуна маданиятини шакллантириш учун рекламадан фойдаланиладиган маркетинг дастурларини фаолроқ олға суриш, бонуслар, чегирмалар, совгалар тизимини ривожлантириш зарур. Бу – биринчи омил.

Иккинчи омил – обуна баҳоси. Ҳозирда у

чакана нархдан юқорироқ ёки унга тенг. Шу боис матбуот реализациясининг 87%и чакана сотишга ва бор-йўғи 13%и обунага тўғри келишдан ажабланмаса ҳам бўлади. Маҳаллий ноширларнинг обунани арзонлаштириш тўғрисида ўйлашларига аллақачон вақт келди. Бу нарса тарқатишнинг барча каналларида матбуот нашрлари нархини паст қилиб сақлаб туришни аниқлашмайди. Аксинча, чакана нархлар ўсиши керак. Вазиятни тўғрироқ тахририят ва нашриётлар обуна агентликларига нисбатан ўз нарх сийёсатларини қайтадан кўриб чиқишлари мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро биз бир-биримиз-

# INTER-PRESS GROUP®



## ЎСИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. ҲАЛОЛ РАҚОБАТ. СИФАТ СТАНДАРТИ

га рақобатчилар эмас, балки ёрдамчи ва ҳамкорларимиз. Нима учун биргаликда тадбирлар ўтказиш, обуначиларни рағбатлантириш ва жалб этиш бўйича турли чегирмалардан фойдаланиш мумкин эмас. Афсуски, барча нашриётлар ҳам маркетинг бюджетларига эга деб бўлмайди. Бундан ташқари, ҳар доим ҳам ва ҳамма ҳам янги обуначиларни жалб этиш ва бир мақсадли аудитори билан ишлашнинг муҳимлигини тушунавермайди.

Бизнинг компаниямиз ҳар доим тахририят ва нашриётлар билан ишлашга тайёр. Уларнинг ҳар бирига яқка тартибдаги ёндашув шакллантирилади, мослашувчан ва ўзаро фойдали шартлар тақдим қилинади, бир қатор реклама ва маркетинг хизматлари бепул тақдим этилади. Асосийси – даврий нашрларнинг тарқатиш йўлига эътибор билан ва жиддий муносабатда бўлиш, ношир ва тарқатувчи ўртасида яқиндан мулоқот олиб бориш ҳамда истиқболни кўзлаб ишлашга интилиш – булар алоқаларни мустаҳкамлаш ва обуна ададларининг кўпайишига имкон беради. Бунда ҳар бири ўз иши билан шуғулланади: тахририят маҳсулот чиқаради, обуна агентликлари уни мақбул ва муносиб тарзда тарқатади.

Учинчидан, компаниямиз истиқболдаги мижозларга нисбатан стратегик линияни батафсил ишлаб чиқмоқда. Уларга газета ва журналларга обуна бўлиб тўғри иш қилаётганликларини аниқлашларида ёрдам бериш жуда муҳимдир. Яъни биз уларни муайян мақсадларга эришишларида зарур бўлган маҳсулотлар ва хизматларга «ўргатишимиз» керак. Тажиба ҳам кўрсатадики, кишилар кўп ҳолларда уларга зарур бўлган қулай ёки нуфузли нашрлардан, ҳатто улар қимматлашса ҳам, воз кечмайдилар.

**– Компаниянгизнинг бугунги мижозлари кимлар? Улар ўзларини қизиқтирган нашрларга обуна бўлишга қанчалик умидвор бўла оладилар? Энг муҳими, уларни ўз вақтида олишларига қандай кафолат берилади?**

– «INTER-PRESS GROUP» компаниялар гуруҳи Ўзбекистон ва Россия босма маҳсулотларни тарқатувчилар уюшмаси (БМТУ) ҳамда Мустақил давлатлар китоб тарқатувчилари уюшмаси (МДКТУ)га аъзо, уларга аъзолик хизматларнинг юқори сифати ва компаниянинг шикоятга ўрни бўлмаган молиявий ҳалоллигидан далолат беради. Аъзолик бизга гоятда хилма-хил даврий ва китоб нашрларини тақдир қилиш имконини беради. Бизда сервис анча яхши ривожланган, шу боис сифат-

ли матбуот нашрларини тақдим этапмиз. Биз обуна жараёнини ўқувчиларимиз учун қулай ва мақбул қилишга интиляпмиз. Бунга «Корпоратив обуна» лойиҳамиз мисол бўла олади.

Бугунги кунда жамият хилма-хиллиги таклифларнинг турлича бўлишини тақозо қиляпти. Биз ҳам бу талабни бажаряпмиз. «INTER-PRESS» обуна агентлиги ҳар йили кенгайтирилган ва республикада машҳур «Справочник российской и иностранной прессы» қўлланмасини чиқармоқда, унга қараб ҳатто Ўзбекистоннинг энг олис вилоятларида ҳам обуна қилиш борапти.

Бизнинг мижозларимиз турли ёш, ижтимоий, амалий тоифаларга мансуб. Биз кексалар ва талабаларга, уй бекалари ва бизнесмен аёлларга, тадбиркорлар ва ноҳижорат ташкилотларига хизмат кўрсатамиз. Биз тақдим этадиган даврий нашрлар рўйхатидан нафақат турли соҳаларда ишлайдиган мутахассислар, балки автохаваскор, овчилар, балиқчилар, боғбонлар ҳам ўз нашрини топадилар.

Биз аввал-бошдан хизматларимиз иши ва сервисини шундай қуришга интилдикки, токи уларнинг ҳар бири компания концепциясини энг тўлиқ акс эттирсин. Бунда жамиятимиз ўзгармоқда, бинобарин унинг устуворликлари ва қизиқишлари ҳам ўзгармоқда деган омилдан келиб чиқдик. Бизнинг ассортиментида сиз нафақат Ўзбекистон, балки Россиянинг, бошқа хорижий матбуотнинг ҳам

**бир йиллик обуна қийматидаги маблағ талаб қилинади деган гап қанчалик тўғри?**

– Бу – ҳақиқат. Ушбу гоятда мураккаб ва турли ўзгаришларга учрайдиган бозорда ҳалол ва жиддий ишлаш учун обуначиларни жалб этиш ҳамда барқарор ушлаб туришнинг самарали усуллари ва механизмларини мунтазам равишда ишлаб чиқиш ва кишиларга тақдир этиш зарур.

Улар ичида энг кўп тарқалгани ва самарадори деб директ-маркетинг усулини айтган бўлардим, дарвоқе у бутун дунёда қўлланилади. Унинг афзаллиги call-марказ имкониятлари тўлдирадиган, бевосита манзилга жўнатишдадир. Ёрдамчи воситалар сифатида аънавий медиа-ифодаловчилар – ТВ, радио, босма ОАВдаги реклама фойдаланилади. Почта орқали жўнатмага даврий нашр тўғрисидаги ахборот материаллари, обуна купони, чегирмалар, совинлар, танловлар ва барча учун севимли бонусларга қадар бўлган обуна шартлари қиради.

Фарбада ноширлар мавжуд обуначиларни ушлаб туришга ҳар йили 20-30 млн доллар сарфлайдилар. Масалан, улар бўлғуси доимий ўқувчилар ҳисобланган ва келажакда жиддий обуначиларга айланадиган талабаларга бир неча йил учун имтиёзли обунани тақдир қилмоқдалар. Бизда эса ҳозирча ноширлар обунага сотувларнинг энг муҳим бўлмаган дастакларидан бири сифатида муносабатда бўлмоқдалар. Уларнинг Фарбадаги ҳаммасларини

минглаб номдаги нашрларини топасиз. Кўпларнинг эҳтиёжига айланган «Аргументы и факты», «Наука и жизнь», эскидан севимли бўлиб келган «Вокруг света», «Караван истории», «Лиза», «Эксперт», «Космополитен», «За рулем», «Бурда Моден» биз туфайли кўп оилаларга кириб бормоқда. «Клаксон», «Игромания», «Компьютерра» ихтисослашган газета ва журналлари борган сари кенг оммавийлашмоқда. Энг ёш ўқувчиларимиз учун ота-оналари «Мурзилка», «Принцесса Диснея», «Веселье картинки»га обуна бўлишмоқда.

**– Нашрларни етказиб беришни қандай қилиб таъминляпсиз? Ҳар ҳолда бу нарса мижозлар билан ишлашнинг асосий бўгинларидан бири...**

– Ҳақиқатан ҳам шундай. «INTER-POST» курьерлик хизмати ўз иш кунини қуёш чиқмасидан бошлади. Ҳар кунининг ходимлари азонда, соат учдаёқ босмаҳоналардан янги нашрларни оладилар. Сўнгга у сараланади ва тақсимланади, роса соат эрталаб олтида уларни курьерлар керакли вақтда тегишли жойга еткази бошлашади. Ҳар бир курьернинг маршрутларини мақбуллаштириш ана шу мушкул ишни жуда ҳам энгиллаштирилади. Бутун шаҳар ҳудудларга бўлинган. Хизмат таркибида 70 пайёда курьер ва 15 автомашинали курьер бор. Бугунги кунда компания етти мингдан ортиқ ташкилотга хизмат кўрсатмоқда, уларнинг сони эса мунтазам ошиб бормоқда.

**– Маълумки, соғлом рақобат иш сифатини рағбатлантиради ва яхшилайди. Сиз ноҳалол рақобатга тўқнаш келяпсизларми? Бошқа муқобил обуна агентликлари билан қандай муносабатдасизлар?**

– Кўпчилик муқобил обуна агентликлари билан нормал муносабатлар ўрнатганмиз. Бироқ, афсуски, уларнинг баъзилари ноҳалол усуллардан фойдаланишга уринмоқдалар. Масалан, кутубхона ёки корпоратив мижознинг йирик обуна пакети учун курашиб, улар обунани нашр ноширдан сотиб олинадиган нархдан... паст нархда амалга оширадилар. Бунда уларда етказиб беришнинг қиймати ноль даражали деб қайд этилади, яъни бўлғуси обуначи учун «обуна қиймати» киритиб бўлинган. Бундан қуйидаги савол пайдо бўлади – агар уларнинг барча чиқимларини ўз ичига олган обуна баҳоси ношир нархидан паст бўлса, бундай обуна агентлиги газета ва журналларни қаердан олади? Келинг, ушбу масалани кейинги мунозаралар учун «очиқ» қолдирайлик.

– Бир янги обуначини жалб этиш учун

обунани доимий мақсадли аудитори янги шакллантириш, бинобарин, реклама берувчиларни жалб этиш дастаги деб ҳисоблайдилар. Ҳаммага маълум бир далилни эслатмоқчиман: Америкада ададнинг 90%игача қисми обуна бўйича тарқатилади, у арзон туради, шу боис ҳам ривожланади. Масалан, Cosmo туридаги қалин ялтироқ журнал чаканада 7-8 доллар туради, обуначига эса у 30 цент атрофида тушади. Етказиб беришга ношир ҳақ тўлайди. АҚШ ҳукумати, албатта, почта тарифларини қаттиқ назорат қилади, бироқ ахир улар ҳақини ношир тўлайди ва ўз товарини паст нархда беради, буларнинг ҳаммаси битта мақсадда – ўз обуна ададини, яъни аудитори янги кўпайтиришни кўзлайди. Бунини тушунмаслик ҳозирги ноширлик бизнесини тушунмасликни англайди.

Директ-маркетинг сингари қимматли дастакнинг самарадорлиги ҳақида гапирганда АҚШдаги социологик тадқиқотларнинг маълумотларини эслатаман. Истеъмолчиларнинг 86%и реклама хабарларини телефон орқали эмас, балки почта орқали олишни қулай деб ҳисоблайди, 78%и почта орқали келадиган рекламани мазмунлироқ, 62%и истеъмолчи янада ишонтирарли ва рағбатлантирувчи реклама сифатида баҳолайди. Бевосита манзилли почта жўнатмасидан кейин обуначиларнинг 30%и мазкур товарни харид қилади.

Биз амалда хориждагидек маркетинг усуллари ва дастакларидан фойдаланамиз, бироқ уларни хориждаги ҳамкасбларимиз кўп марта фаолроқ, кенгроқ, бинобарин, самаралироқ ҳам қўлламоқдалар.

Бироқ бу ерда ҳам биз янги тадбирларни ишлаб чиқиш, сервис хизматларини яхшилаш, хизматларни ташкил этиш ҳисобига обуначилар сафларини кенгайтириш сари аста-секин борапмиз. Шунинг қайд этишни зарур деб ҳисоблайманки, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АК билан яхши, барқарор муносабатларга эга бўлиб, улар билан ҳамкорликда ишимизни янада яхшироқ ва сифатлироқ қилишга ҳаракат қиляпмиз.

Хулосада нима дейиш мумкин? Бозордаги барча ўзгаришлар тасодикий, бошқарувсиз бўлмаслиги керак деб қатъий ишонманман. Бозордаги вазиятни қулай кабинет деразаларидан кузатмаслик керак. Аксинча, биз юз бераётган ўзгаришлар мантигини ўрганишимиз, ушбу жараёнга қўшилишимиз ва, агар уни ўзимизга бўйсундирмасак, лоақал бизга ўсиш ва ривожланиш имконини берадиган биргаликда яшаш шаклини топишимиз шарт.

Ольга САВЕЛЬЕВА.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

- «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»;
- «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида».

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ:**

- «Вазирлар Маҳкамасининг «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 31 майдаги 251-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида».

● **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 28 ФЕВРАЛДАН 14 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ:**

- Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг «Тошкент шаҳридаги давлат ва коммунал мулкка тегишли нотурар жой биноларига қўлланиладиган ижара ҳақининг энг кам миқдордаги таянч ставкалари ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**«АГРОБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ТЎҒРИСИДА\***

Иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида:

1. «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг уни «Агробанк» акциядорлик тижорат банки этиб қайта ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, «Агробанк» АТБ очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинади ҳамда мулкый, молиявий ва бошқа мажбуриятлар бўйича, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ва ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи талаблар бўйича «Пахтабанк» АТБнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Куйидагилар «Агробанк» АТБнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига кредит бериш ва комплекс тарздаги банк хизматлари кўрсатиш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан пахта ва ғалла маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарига кредит бериш ва молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга, замонавий чет эл технологиялари ва ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу асосда юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички

истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан барқарор тўлдириш;

банкнинг шахсий ресурсларини сафарбар қилиш, омонатлар ва депозитларнинг янги жозибадор турларини таклиф этиш йўли билан аҳоли ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш, улардан самарали, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда самарали фойдаланиш, қўйилган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ва грантларини жалб этиб, кейинчалик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ва республика иқтисодиёти агросаноат сектори корхоналарини ана шу маблағлар ҳисобига қайта молиялаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда «Агробанк» акциядорлик тижорат банкига банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш учун халқаро молия институтлари ва хорижий молия-кредит тузилмаларининг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этишда ёрдам кўрсатсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда «Агробанк» АТБ Кенгашининг таркибини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 30 март.

\*Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 31 мартдаги 66 (4729)-сонда эълон қилинган.

**«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ  
БАНКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА\***

Қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда тасдиқланган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ:

1. «Фалла-банк» акциядорлик тижорат банки акциядорлари қарори ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг:

«Фалла-банк» акциядорлик тижорат банки негизида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисидаги;

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки устав капиталини 150 миллиард сўм миқдорида шакллантириш, улушларни унинг акциядорлари орасида иловага мувофиқ тақсимлаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки очиқ акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади ҳамда мулкрий, молиявий ва бошқа мажбуриятлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини сақлаш ҳамда ўз вақтида қайтаришни кафолатловчи талаблар бўйича «Фалла-банк» акциядорлик тижорат банкнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин: уй жой-коммунал, ижтимоий соҳа ва қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш борасидаги эҳтиёжларни амалга оширишда аҳоли ҳамда юридик шахсларга кредит бериш ва банк хизмати кўрсатиш;

қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй жойлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ҳамда таъмирлашни амалга оширадиган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларга кредит бериш ва лизинг хизматларини кўрсатиш;

янги, замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқарадиган, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этадиган барча мулкчилик шаклидаги корхоналарга кредит бериш ва комплекс тарзда банк хизматларини кўрсатиш;

қишлоқ қиёфасини сифатли яхшилашни, қишлоқ жойларда муҳандислик ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва такомиллаштиришни, жумладан, йўллар, энергия ва сув таъминоти тизимлари, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар, болалар спорти объектларини реконструкция қилиш, қишлоқ аҳоли пунктларини транспорт коммуникациялари, ичимлик суви, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси объектлари, телекоммуникация тармоқлари билан таъминлашни назарда тутган ҳолда инвестиция фаолиятини олиб бориш, шунингдек, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни молиялаштириш;

универсал тижорат банки сифатида юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги бошқа комплекс банк хизматларини кўрсатиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкнинг ресурс базасини қуйидагилар ҳисобидан қўшимча шакллантириш манбалари борасидаги таклифлари қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик 3 фоизли фоиз ставкаси бўйича ва 2010 йилда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар ҳисобидан 5 йил имтиёзли давр билан 170,0 миллиард

сўмгача миқдорда камида 15 йил муддатга бериладиган мақсадли кредит линияси;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий молия-кредит тузилмаларининг мақсадли, узоқ муддатга мўлжалланган имтиёзли кредитлари, инвестициялари ҳамда грантлари;

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан қўшимча чиқариладиган акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни юридик ва жисмоний шахсларга сотишдан тушадиган маблағлар.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан, шу жумладан «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкнинг устав капиталини шакллантириш учун ажратиладиган маблағлар тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй жой қурилишини молиялаштиришга мақсадли тарзда йўналтирилади;

жисмоний шахсларга намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй жой қурилиши учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкаси билан энг кам иш ҳақининг 1000 баробаригача миқдорда 15 йил муддатгача кредитлар берилади;

лойиҳаларни банк томонидан бозор шартлари асосида жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ҳамда бошқа банк хизматларини кўрсатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тижорат асосида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш учун халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий молия-кредит тузилмаларининг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ҳамда грантларини жалб этишда «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкига кўмак берсин.

6. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки фойда ва мулк солиғи, шунингдек, олиб келинадиган банк жиҳозлари ва техникаси учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) 2012 йилнинг 1 январигача озод этилсин, бўшайдиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг банк устав капиталдаги улушини кўпайтиришга мақсадли тарзда йўналтирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ўн кун муддатда «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки Кенгашининг шахсий таркибини ва филиал шохобчалари жойлашувини тасдиқласин;

бир ой муддатда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй жой қурилишини кредитлаш тартибини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 30 март.

\*Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 31 мартдаги 66 (4729)-сонида эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»  
2004 ЙИЛ 31 МАЙДАГИ 251-СОН ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР  
КИРИТИШ ҲАҚИДА***(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 12-сон, 131-модда)*

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини моддий-хон ашё ресурслари билан таъминлаш ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни биржа орқали сотиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Товар-хон ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 31 майдаги 251-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 50-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини  
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2009 йил 18 март  
74-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 18 мартдаги 74-сон қарорига  
ИЛОВА

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»  
2004 ЙИЛ 31 МАЙДАГИ 251-СОН ҚАРОРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 1-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«кўргазма-ярмарка савдолари — биржаларнинг ихтисослаштирилган савдо майдончаларида улар томонидан тасдиқланган қоидаларига мувофиқ товарлар олдиндан мажбурий кўздан кечирилиши ҳисобга олинган ҳолда ёки мижозлар — жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этиладиган кўргазма-ярмарка савдоларининг электрон тизимига Интернет орқали тўғридан-тўғри кириш режимида амалга оширилади».

2. 3-бандда:

а) иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин: «кўргазма-ярмарка савдолари электрон тизимига Интернет орқали тўғридан-тўғри кириш режимида ва савдо майдончаларида, шу жумладан ихтисослаштирилган қурилиш материаллари бозорлари ҳудудларида улгуржи савдо қилиш ҳуқуқи фақат товар-хон ашё биржалари аъзоларига, уларда савдони амалга ошириш ҳуқуқига тегишли рухсат берувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда берилди».

б) қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«жисмоний шахслар, шунингдек биржа аъзолари бўлмаган юридик шахслар кўргазма-ярмарка савдоларида брокерлар орқали ёки биржа томонидан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ мустақил равишда иштирок этиши мумкин».

3. 4-бандга қуйидаги мазмундаги бешинчи — еттинчи хатбоши қўшилсин:

«ишлаб чиқарувчиларга ва биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маҳсулотларни сотиш, шунингдек битимлар бўйича электрон ҳисоб-китобларни электрон тўлов тизими орқали амалга ошириш имконини берадиган Интернет орқали савдо тизимига тўғридан-тўғри кириш режимида кўргазма-ярмарка савдоларида иштирок этиш имкониятини таъминлаш;

биржа аъзоларига ихтисослаштирилган савдо майдончалари орқали биржа савдолари тизимига кириш, савдолар натижаларига кўра тузилган битимларни рўйхатдан

ўтказиш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар бўйича электрон ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини бериш;

биржа аъзоларига кўргазма-ярмарка савдолари тизимига Интернет орқали тўғридан-тўғри кириш режимида белгиланган тартибда биржа савдоларига кириш имконини назарда тутиш тавсия этилсин».

4. 5-бандга қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«кўргазма-ярмарка савдоларида биржа орқали сотиш тақиқланмаган ва сотишга махсус тартиб жорий қилинмаган товарларнинг барча турлари (ишлар, хизматлар) сотилиши мумкин».

5. 8-бандга қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«Белгилансинки, «Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси» акциядорлик жамиятининг биржа битимларидан ундириладиган воситачилик йиғимлари чекланган миқдорларига декларация тўлдиришда, биржа товарларининг моддий балансларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш юзасидан мониторингни амалга оширадиган Иқтисодиёт вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказиладиган «Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси» акциядорлик жамиятининг юқори ликвидли товарлар турларини сотиш бўйича хизматлари учун 0,075% миқдордаги воситачилик йиғимлари ҳисобга олинади»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.


6. 9-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржасининг ходимларнинг чекланган умумий сони 100 нафар бўлган ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

«Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси» очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси биржанинг ташкилий тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга эканлиги маълумот учун қабул қилинсин».

7. Қарорга 1-илова матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси» очик акциядорлик жамиятининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ  
ВА ИДОРЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ  
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 28 ФЕВРАЛДАН 14 МАРТГАЧА  
БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

**I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:**

1. «Автоклавларда ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 2 февралдаги 5/1-сонли буйруғи.

2009 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1913 (2009 йил 10 мартдан кучга киради).

2. «Санацияга тортилган қишлоқ хўжалик корхоналарини мониторинг қилиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 16 февралдаги 5-сонли қарори.

2009 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 473-1 (2009 йил 14 мартдан кучга киради).

3. «Марказий депозитарий ва иккинчи босқичдаги депозитарийлар, фонд биржалари, биржадан ташқари қимматли қоғозлар савдоси тизими ҳамда ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотларининг дастурий-техник комплексларидан фойдаланиш (ишлатиш) қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 9 февралдаги 2009-10-сонли буйруғи.

2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1041-1 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).

4. «Акциядорлик жамиятларида аффилиланган шахслар, уларнинг ҳисобини олиб бориш ва ахборотларни ошкор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тад-

биркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 26 февралдаги 2009-15, 26, 8-сонли қарори.

2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1212-1 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).

5. «Ихтирога Ўзбекистон Республикасининг патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 5 февралдаги 23-сонли буйруғи.

2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1329-2 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).

6. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тушумлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва айирбошлаш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 6 февралдаги 18, 2/8, 2008-47-сонли қарори.

2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1914 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).

7. «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимларини ҳисобга олиш, уларнинг ҳисоби бўйича ҳужжатларни сақлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 11 февралдаги 2009-12-сонли буйруғи.

2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1915 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).

8. «Гўшт-сут ишлаб чиқариши ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа яқка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёр-



ларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 13 февралдаги 7/Б-сонли буйруғи.

**2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1916 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).**

9. «Паррандачилик соҳаси ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 13 февралдаги 6/Б-сонли буйруғи.

**2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1917 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).**

10. «Ўзбекистон Республикасининг «Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертифициклаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 2 февралдаги 8-сонли буйруғи.

**2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1918 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).**

11. «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 4 мартдаги 2009-18-сонли буйруғи.

**2009 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919 (2009 йил 19 мартдан кучга киради).**

12. «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруқни, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 3 мартдаги 2009-17-сонли буйруғи.

**2009 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1258-2 (2009 йил 19 мартдан кучга киради).**

13. «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 14 мартдаги 68-мх-сонли буйруғи.

**2009 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1920 (2009 йил 24 мартдан кучга киради).**

14. «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 14 мартдаги 69-мх-сонли буйруғи.

**2009 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1921 (2009 йил 24 мартдан кучга киради).**

15. «Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва уни ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 23 февралдаги 8-сонли буйруғи.

**2009 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1922 (2009 йил 28 мартдан кучга киради).**

16. «Юқумли касалликка чалинган ҳайвонларга хизмат кўрсатишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 17 февралдаги 8/Б-сонли буйруғи.

**2009 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1923 (2009 йил 28 мартдан кучга киради).**

17. «Авиация ишларига мансуб хизматлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 12 февралдаги 13-сонли буйруғи.

**2009 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1924 (2009 йил 28 мартдан кучга киради).**

18. «Пахта тозалаш ва каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 2 мартдаги 10/Б-сонли буйруғи.

**2009 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1925 (2009 йил 28 мартдан кучга киради).**

19. «Нашриёт, матбаа ва китоб савдоси ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 2 мартдаги 9/Б-сонли буйруғи.

**2009 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1926 (2009 йил 28 мартдан кучга киради).**

## II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Санацияга тортилган қишлоқ хўжалик корхоналарини мониторинг қилиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қошидаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 473, 1998 йил 14 август).

**Адлия вазирининг 2009 йил 4 мартдаги 57-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1258, 2003 йил 17 июль), (рўйхат рақами 1258-1, 2004 йил 30 июнь).

**Адлия вазирининг 2009 йил 9 мартдаги 67-мх-сон**

**буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

3. «Суюқ аммиакнинг ердаги омборлари учун хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. «Саноконттехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

4. «Кувурётқизгич-кранларнинг соз ҳолатига жавобгар муҳандис-техник ходимлар учун намунавий йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. «Саноконттехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

**Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.**

**Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.**

**Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.**

**Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ДАВЛАТ ВА КОММУНАЛ МУЛККА ТЕГИШЛИ НОТУРАР  
ЖОЙ БИНОЛАРИГА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИЖАРА ҲАҚИНИНГ ЭНГ КАМ  
МИҚДОРДАГИ ТАЯНЧ СТАВКАЛАРИ ҲАҚИДА**

Тошкент шаҳар ҳокимининг капитал қурилиш, коммунал хўжалиги, ободонлаштириш, саноат ва тадбиркорлик масалалари бўйича мажмуасининг «2009 йил учун Тошкент шаҳридаги давлат ва коммунал мулкка тегишли нотураар жой биноларига қўлланиладиган ижара ҳақининг энг кам миқдордаги таянч ставкалари тўғрисида»ги таклифларини кўриб чиқиб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қарор қилади:

1. Тошкент шаҳридаги давлат ва коммунал мулкка тегишли нотураар жой биноларга 2009 йил учун қўлланиладиган ижара ҳақи ставкалари 1-иловага, ижара ҳақини ҳисоблаш тартиби 2-иловага ҳамда ижара ҳақини ҳисоблашда кўшимча коэффициент қўлланиладиган Тошкент шаҳрининг марказий қатнов кўчалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат ва коммунал мулкка тегишли биноларни ижарага берувчилар ижара ҳақи қийматини белгилашда 1-иловада кўрсатилган нотураар бинолар учун қўлланиладиган ягона энг кам миқдордаги ижара ставкаларидан таянч сифатида фойдалансинлар.

3. Белгилаб қўйилсинки, давлат ва коммунал мулкка

тегишли биноларнинг тасарруф эгалари ижарага берилган майдонларга доир маълумотлар учун, майдонлардан шартномада белгиланган мақсадларда фойдаланиш, ижара ҳақи тўловларининг ўз вақтида тўланиши учун шахсан масъулдирлар.

4. Ижара ҳақининг таянч ставкаларига коммунал хизматлари ҳақи, ер солиғи ҳамда бинодан фойдаланиш ва бошқа харажатлар кирмаслиги белгилаб қўйилсин.

5. Бинолардан фойдаланиш департаменти 2009 йил 1 январдан 31 декабрга қадар ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғидан озод этилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари  
Тошкент шаҳар Кенгаши раиси  
А. ТҲХТАЕВ.**

26.12.2008 йил  
161/3-18-сон.

Халқ депутатлари  
Тошкент шаҳар кенгашининг 2008 йил 26 декабрдаги  
161/3-18-сонли қарорига  
1-ИЛОВА

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ДАВЛАТ ВА КОММУНАЛ МУЛККА ТЕГИШЛИ  
НОТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРГА 2009 ЙИЛ УЧУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИЖАРА ҲАҚИНИНГ ЭНГ КАМ  
МИҚДОРДАГИ ТАЯНЧ СТАВКАЛАРИ**

N	Фаолият ва бинолардан фойдаланиш тури	Ижара ҳақи ставкалари (бир йилда умумий майдоннинг 1 кв. метри учун сўмда)
1	Савдо дўконлари (шу жумладан, савдо зали, омборхонаси, офиси ва ёрдамчи хоналари)	5 650
2	8 хил озик-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи, нон маҳсулотлари ва китоб савдоси дўконлари; техник-меъёрий ҳужжатлар билан савдо қилувчи китоб дўконлари ва бўлимлари	2 900 800
3	Аҳолига ва ташкилотларга маиший хизмат кўрсатадиган корхоналар ва тадбиркорлар	1 400
4	Ҳисоблаш машиналарни, компьютерларни ва оргтехникаларни таъмирлаш, йиғиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш, маълумот-ҳисоблаш марказлари хизмати ҳамда программалар тузиш хизмати	4 200
5	Бинолардан офис (шу жумладан: адвокатлар, хусусий амалиёт юристаётган нотариуслар ва юридик маслаҳатчилар бюрolari, консалтинг ва аудиторлик хизматлари) тариқасида фойдаланадиган юридик ва жисмоний шахслар	6 250
6	Бинолардан хизмат доирасида фойдаланадиган давлатга тегишли хўжалик ҳисобидаги ташкилот ва корхоналар	1 750
7	Қисман бюджет, қисман хўжалик ҳисобидаги давлатга тегишли ташкилот ва корхоналарнинг идоралари	850
